ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 17 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 164 (13.227)

Баҳоси эркин нархда

ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мустақиллик байрами арафасида "Ўзбекистон: давлат мустақиллигининг 25 йиллиги" мавзуида ижтимоий сўров ўтказди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қамраб олинган тадқиқотда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари, турли миллат вакиллари иштирок этган.

Ижтимоий сўров натижаларига кўра, фуқароларнинг аксарияти (98,2 фоизи) мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни ижобий ва барқарор, деб ҳисоблайди. Респондентлар фикрича, истиқлолнинг 25 йиллиги – бу тўғри ва пухта ўйланган ислоҳотлар самарасида тобора ривожланаётган Ватанимиз солномасидаги янги даврдир.

Сўровда қатнашганларнинг 99,6 фоизи мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва динлараро тотувлик мустаҳкамланиб бораётгани, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортаётгани, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асослари яратилгани, сўз эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари қарор топгани, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шаклланганини истиқлол йилларида эришилган асосий муваффақиятлар сифатида қайд этган.

Тадқиқот натижалари мамлакатимиз аҳолиси давлатимиз раҳбарини жамиятнинг бирдамлиги, эришилган ютуқлар ҳамда юртимиз гуллаб-яшнашининг асосий кафолати, деб ҳисоблашини кўрсатди. Мамлакатимиз аҳолиси (99,5 фоизи) мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов аҳоли ишончини қозониб, халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлаган.

Сўралганларнинг асосий қисми (99,4 фоизи) Ўзбекистоннинг дунёда эгаллаган ўрнидан фахрланади. Респондентлар истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасида Ўзбекистон юксак илмий-техник салоҳиятга эга, саноати ривожланган давлат даражасига кўтарилганини алоҳида қайд этган.

Тадқиқот натижалари ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилган туб ижобий ўзгаришлар қаторида одамлар онгу тафаккурида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берганини кўрсатди. Аҳоли ўртасида ватанпарварлик ҳисси тобора ортмоқда.

Тадқиқот қатнашчиларининг 81,5 фоизи аҳоли фаровонлигининг ортиб боришига хизмат қилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигидан қониқишини билдирган. Сўров иштирокчиларининг 93,1 фоизининг моддий аҳволи, яшаш ва маиший шароити яхшиланган, ижтимоий мақоми ошган, намунали таълим олган, ўз бизнесини ташкил қилган. 90 фоиздан зиёд фуқаролар мустақиллик йилларида фуқаролик ҳуқуқлари, шахсий хавфсизлигининг ҳимояланиши ва таъминланиши мустаҳкамланганини билдирган.

Сўров жараёнида фуқароларнинг 90 фоиздан ортиғи миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар одамларга ўз имкониятларини тўла намоён этиш, турмуш даражаси ва сифатини оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаган. Респондентларнинг 97,3 фоизи тадбиркорлик учун яратилган шароитларни ижобий баҳолаган. Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларга жамоатчилик ўртасида ишончнинг ортиши натижасида иқтисодиётнинг мазкур тармоғида капитални бошқаришнинг янги сифат босқичига ўтилган.

Аҳоли (қарийб 100 фоиз) Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик даврида давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилган ташқи сиёсатни юксак баҳолайди. Жамоатчилигимиз фикрича, мазкур ташкилотнинг жорий йил 23-24 июнь кунлари пойтахтимизда ўтган юбилей саммити ШҲТ фаолиятининг самарадорлигини ошириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича муҳим келишувларга эришилгани билан ташкилот тарихида муҳим ўрин тутади.

Сўров натижалари фуқароларимизнинг аксарияти (93,9 фоизи) оилани ижтимоий институт сифатида мустаҳкамлаш, она ва бола соғлиғини янада яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамият ва оиладаги мавқеини янада ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни таъминлашга қаратилган ислоҳотларни тўла қўллаб-қувватлайди. Сўров иштирокчиларининг билдиришича, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг нодир институти – маҳалла фаолияти миллий анъана ва қадриятларимизга мувофиқ тўлиқ шакллантирилиб, уларнинг самарали иш юритиши учун зарур ҳуқуқий асос яратилди. Истиқлол йилларида маҳалла институтининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ортиб, мамлакатимизни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларининг амалдаги ифодасига айланди.

Мухтасар айтганда, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижалари халқимиз давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини яна бир бор ифода этди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида
ЎзА мухбири
Б.БОЗОРОВ тайёрлади

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
25
O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ







ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ: ИСТИҚБОЛЛИ ЯНГИЛАНИШЛАР САРИ

Энг улуғ ва энг азиз байрам – истиқлолимизнинг 25 йиллигини ҳар доимгидек кўтаринки, байрамона кайфиятда, муносиб ютуқлар билан кутиб олиш ҳар бир юртдошимизнинг эзгу мақсади ҳисобланади.

Айни кунларда шаҳримиз туманларида ушбу байрамга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Яккасарой тумани аҳолиси ҳам байрамни ўзига хос ютуқлар билан кутиб олишга, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига жадал киришган.

Шаҳримизнинг марказий туманларидан бири бўлган Яккасарой тумани Чилонзор, Сергели, Миробод, Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманлари билан чегарадош бўлиб унда турли миллат вакилларидан иборат 114,7 минг аҳоли истиқомат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш юзасидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунига кўра туманда саноат ишлаб чиқариш 11,5, истеъмол товарлари 12,5, пудрат-қурилиш ишлари 10,9, чакана савдо айланмаси 1,6, жами хизматлар 12,9, пуллик хизматлар 5,1 фоизга ўсган.

Туманда 504 та кўп қаватли уйлар мавжуд. Йирик уй-жой мулкдорлари базасида кичик ширкатларга уй-жойлардан фойдаланиш ва пудрат ишларини бажаришга ёрдам бериш мақсадида 13 та махсуслаштирилган бошқарув компаниялари, 91 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, сифатли коммунал хизматларини кўрсатиш мақсадида 1 та коммунал тиклаш ва таъмирлаш хизмати фаолият юритиб келмоқда.

Мустақиллик шарофати боис, замонавий, кўркам қиёфа кашф этган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби, бир қатор касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ҳам ёшларнинг ҳар томонлама етук, баркамол ва билимли инсонлар бўлиб вояга етишларига хизмат қилмоқда.

Туманда таълим-тарбияни янада юқори босқичга кўтаришда 14 та умумтаълим мактаблари, 21 та мактабгача таълим муассасаси, 6 та касб-ҳунар коллежи, 4 та академик лицей, 3 та олий таълим муассасасининг жонкуяр устоз-мураббийлари бор билим-маҳоратларини сарф этган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар.

Шунингдек, аҳоли саломатлиги йўлида 4 та шифохона, 4 та оилавий поликлиника, 1 та стоматология поликлиникаси, 5 та диспансер шифокорлари хизматга шай.

Дарвоқе, Муқимий кўчаси билан Шота Руставели кўчалари кесишган жойда 922 метрлик замонавий, жаҳон стандартларига мос кўприкнинг қурилаётганлиги мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйига муносиб тўёна бўлмоқда.

Туман ҳаёти билан танишиб чиқар эканмиз ҳар бир жабҳада пешқадамликни, изланиш, интилиш, яратувчанлик ва буюк бунёдкорлик ишларининг самарасини кўришга мушарраф бўлдик.

(Яккасарой туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архивида "Турли шаклдаги архив ҳужжатларини сақлаш бўйича Корея Республикаси Миллий архивлари тажрибаси" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

АРХИВ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги томонидан ташкил этилган тадбирда марказий ва ҳудудий архив идоралари вакиллари, олий таълим муассасаларининг ҳужжатшунослик ва архив иши бўйича профессор-ўқитувчилари, соҳа мутахассислари, Корея Республикаси Миллий архивлари ходимлари иштирок этди.

"Ўзархив" агентлиги бош директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳужжатлаштириш, ташкилий, молиявий жабҳаларда яратилган кенг имкониятлар архив ишини равнақ топтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Электрон ҳукумат, фуқаролар мурожаатларига оид миллий қонунчиликнинг мунтазам такомиллашаётгани соҳага илғор технологияларни кенг жорий этиш имконини яратмоқда.

"Ўзархив" агентлиги ва Корея Республикасининг Миллий архивлари билан ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. 1999 йилдан бошлаб мамлакатимиз архив иши мутахассислари Жанубий Корея Миллий архивлари, KOICA халқаро ташкилоти томонидан ташкил этиладиган архив иши ва иш юритиш бўйича ўқув курслари, илмий-амалий конференцияларда фаол қатнашмоқда. "Ўзархив" агентлиги ва Корея Республикаси Миллий архивлари ўртасида меморандум имзоланиши кўзда тутилган.

– Ўзбекистон бой тарихий, илмий, маданий меросга эга мамлакат, – дейди ЎзА мухбирига Корея Республикаси Миллий архивлари президенти Санг Жинг Ли. – Мамлакатингизда архив ишига эътибор, мазкур соҳада кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга оид ғоят кенг қамровли ишлар йўлга қўйилганининг гувоҳи бўлдик. Архившуносликка оид яратилган миллий қонунчилик, ташкилий-техникавий асос, бажарилаётган ишлар диққатга сазовор.

Корея Республикасида архив иши электрон ҳужжат алмашиш, электрон ҳукумат, рақамлаштириш, энг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, илғор рақамли стандартларга ўтиш каби йўналишларга асосланади.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архиви фаолияти билан танишди.

Н.УСМОНОВА

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда "Гўзал ва бетакрорисан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган "Истиқлол фарзандлари" ёшлар фестивалида турли танловлар, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган истеъдодли ёшлар иштирок этди.

● Урганчда "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловда 18-30 ёшдаги 100 нафар ёш тадбиркор янги лойиҳалари билан иштирок этди. Энг яхши, деб топилган 20 лойиҳа эгасига Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган ҳолда имтиёзли кредитлар ажратиш имконини берувчи махсус сертификатлар топширилди. 10 нафар истиқболли ғоя соҳиблари танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

● "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Қувасой шаҳридаги "Ниҳол" оромгоҳида тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди.

● Самарқандда "Гўзал ва бетакрорисан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида аёллар спорт фестивали бўлиб ўтди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мусобақанинг туман, шаҳар босқичларида ғолибликни эгаллаган 200 дан зиёд аёл иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг Алабама штатида енгил моторли самолётнинг ҳалокатга учраши оқибатида 6 киши ҳаётдан кўз юмган.

● Биолог олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, 2100 йилга бориб, ер юзидан кўпгина ҳайвонлар йўқ бўлиб кетиши мумкин. Биринчилар қаторида горилла, қора каркидон, бенгал йўлбарси ва бантенга каби жониворлар турибди. Негаки, сўнгги йилларда уларнинг кўпайиши кескин пасайиб, беаёв қириб юборилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, агарда жониворларга қирон келтириш тўхтатилмаса, келажак авлод кўплаб турларни фақат суратлар ва энциклопедия орқалигина билиши мумкин.

● HP компанияси гаджетларни қувватлаш учун мўлжалланган икки аккумуляторлик рюкзакни тақдим қилди. Аккумулятор рюкзакнинг чўнтагида жойлаштирилади ва унинг ёрдамида ноутбук, планшет, смартфон ва бошқа қурилмаларни қувватлантириш мумкин. Компания аккумулятор қуввати битта ноутбукни ёки ўнта смартфонни тўлиқ қувватлантиришини ваъда қилмоқда.

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ: ИСТИҚБОЛЛИ ЯНГИЛАНИШЛАР САРИ









Мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида тумандаги барча маҳаллаларда кенг миқёсда ободончилик, бунёдкорлик ишларини давом эттириш билан бир қаторда Энг улуғ, энг азиз байрамимизга бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Маҳалла

АҲИЛЛИКДА ГАП КЎП

Тумандаги энг илғор маҳаллалардан бири – Юнус Ражабий номидаги маҳаллага кириб келганимизда бу ерда ҳам байрамга қизғин тайёргарлик кўрилаётганининг гувоҳи бўлдик. Ушбу маҳаллада санъатимиз дарғаси Юнус Ражабий кўп йиллар давомида ижод қилиб яшаган, шу сабабли келажак авлодга ибрат мақсадида маҳаллага Юнус Ражабий номи берилган. Эътиборлиси, бугунги кунда туман, шаҳар, республика миқёсида ўтказиладиган барча маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш, турли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб келаётган маҳалла тумандаги энг намунали маҳалла фуқаролар йиғинига айланган.

Мазкур маҳаллада кўп миллатли аҳоли тинч-тотувликда, бир-бирининг урф-одатларини ҳурмат қилган ҳолда яшаб келмоқда.

— Ҳудуддаги кўп қаватли уйлар олди, ариқ, кўчалар тозаланмоқда, бир сўз билан айтганда ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Юнус Ражабий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Адҳам Зоҳидов. Бундан ташқари юртимизнинг гўзал байрамлари аҳоли билан ҳамжиҳатликда, анъанавий тарзда, кўтаринки кайфиятда ўтказилади. Байрам дастурхонлари ёзилиб, ёшу қари тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган диёримизга кўз тегмасин, дея дуога қўл очади. Ҳозирги кунда мақсадимиз маҳалламизни қутлуғ байрамимиз арафасида яна ҳам файзли, обод ва кўркам гўшага айлантириш, маҳалла осойишталигини, аҳоли фаровонлигини таъминлашдан иборат.

Маҳаллада ёзувчи Абдулла Қаҳҳор, мусиқашунос Юнус Ражабийларнинг уй музейлари фаолият кўрсатяпти. Бундан ташқари маҳалла ҳудудида Амалий санъат музейи жойлашган бўлиб, шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларини жонажон Ўзбекистонимизнинг тарихи ва маданияти билан таништириб келмоқда.

— Маҳалламиз ёшларининг жисмонан ва маънан соғлом ўсишлари йўлида турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратиб келинади, — дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғинининг масъул котиби Феруза Тўйчиева. — Ёши улуғ отахону онахонлар билан ёшлар ўртасида турли мавзулардаги учрашувлар билан бирга ҳудудимиздаги музейларга ташрифлар уюштирилади. Маҳаллада олиб борилаётган ишларнинг ижобий натижага эришишида маҳалла фаоллари ва маслаҳатчиларнинг ҳиссалари катта. Қувонарлиси, кўп миллатли оилаларимиз ўзаро аҳил, бирдам, ҳамжиҳатлик ва тотувликда яшашмоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, маҳалла обод бўлса, юрт обод бўлади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Яратилаётган имконият ва шарт-шароитлар туфайли тадбиркорлар сафи ортиб, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшилмоқда.

Иқтисодиёт

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИККА ЭЪТИБОР

Яккасарой туманида фаолият олиб бораётган “Bitter Textile Plus” масъулияти чекланган жамияти ҳам трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тажрибага эга корхоналардан ҳисобланади. Корхонада барча ёшдагиларга мўлжалланган 50 хилга яқин маҳсулотлар тайёрланмоқда.

— Корхонамиз 2015 йилда ташкил топган бўлиб, 150 дан ортиқ ишчи фаолият юритмоқда, — дейди “Bitter Textile Plus” масъулияти чекланган жамияти директори Диана Соснина. — Ишчиларнинг асосий қисмини коллеж битирувчилари ташкил этади. Ҳар йили коллеж битирувчиларини ишга қабул қиламиз. Корхонамизда чақалоқлардан бошлаб турли ёшдаги болалар ва катталар учун мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, экспортга ҳам жўнатилади. Бундан ташқари буюртмачиларнинг хоҳишига қараб маҳсулот тури ўзгариши ҳам мумкин. Бугунги кунда маҳсулотларимиз Россия, Қозоғистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Келгусида Белоруссия каби бир қатор давлатларга ҳам маҳсулотларни етказиб беришни режалаштирмоқдамиз.

— Маҳсулотнинг дизайни, сифати ва чиройли ўрамига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди мазкур корхонанинг маркетинг бўлими бошлиғи Дилдора Ёдгорова. — Яъни, етказиб бераётган маҳсулотимиз ҳар томонлама қулай ва бежирим бўлиб, харидорга маъқул бўлса таклиф ва буюртмаларимиз янада кўпайиб, истеъмолчиларнинг ишончи ҳам ортаверади.

Маҳсулотлар бозорда ўз ўрнига эга. Ишчи-ходимларга барча қулайликлар яратилган. Ҳар бир ходим махсус иш кийими, бепул тушлик билан таъминланган. Ходимларнинг малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилган.

Келгусида маҳсулотлар турини кўпайтириш ва экспорт миқдорини янада оширишни ўз олдига мақсад қилган корхона фаолиятига ривож тилаб қоламиз.

Тиббиёт

ТИББИЙ ХИЗМАТ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яккасарой тумани тиббиёт бирлашмаси таркибида 10 та тиббиёт муассасаси мавжуд бўлиб, шулардан 4 таси оилавий поликлиника, болалар стоматологик поликлиникаси, шаҳар руҳий касалликлар диспансери, болалар юқумли касалликлар шифохонаси, суд тиббиёт экспертизаси ва туғруқ комплексидан иборат. Ушбу муассасаларда фаолият олиб бораётган шифокорлар туман аҳолисининг саломатлигини яхшилаш йўлида туну кун хизмат қилиб келмоқда.

Туманда 114 мингдан зиёд аҳолига 420 нафар тиббиёт ходими тиббий хизмат кўрсатади. Шулардан шифокорлар 120 нафар, ҳамшираллар 200 нафар, кичик тиббий ходимлар 65 нафарни ташкил қилади.

– Туман тиббиёт бирлашмаси стационар қисми 160 ўриндан иборат, — дейди Яккасарой ТТБ КМП стационари бош шифокор ўринбосари Комила Мусаева. – Аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида аниқланган касалликларни ўз вақтида даволаш имкони яратилмоқда. Мунтазам равишда шифокорларимиз, айниқса кардиология ва ички касалликлар бўйича шифокорларимиз ўз малакаларини ошириб аҳолига намунали хизмат кўрсатишга эришмоқдалар. Ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ҳамда касалликларни аниқлашда янги ускуналардан унумли фойдаланиши натижасида, аҳоли саломатлиги мустаҳкамланмоқда.

Буларнинг барчаси аҳолига замонавий тиббий хизмат кўрсатиш борасида олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар самарасидир.

Бугунги кунда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ёш авлодни ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг ўрни беқиёсдир.

Болалар спорти

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Тумандаги Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит ва қулай имкониятлар муҳайё этилганини кўриб ҳавасингиз келади.

Мазкур мактаб ёшларнинг спорт соҳасидаги иқтидорларини шакллантириб келаётган ўқув даргоҳи ҳисобланади.

– Мактабимизда 29 нафар мураббий бўлиб, улар ёшларга спортнинг сир-синоатларини ўргатиб келмоқда, шулардан 23 нафари олий маълумотга, 6 нафари ўрта махсус маълумотга эгадир, — дейди 1-БЎСМ катта йўрикчи-услубчиси Алишер Аманов. — Мактабда 78 та гуруҳларда 1176 нафар ўқувчи-ёшлар спортнинг 14 тури – бадминтон, бадиий гимнастика, дзюдо, қиличбозлик, спорт гимнастикаси, сув полоси, сузиш, таэквондо WTF, футбол, ушу, ўзбек жанг санъати, кикбоксинг сингари спорт турлари бўйича тўгаракларда шуғулланишмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки спорт мактаби қайта ташкил этилгандан то ҳозирга қадар бадминтон, сузиш, сув полоси, ушу, кикбоксинг пенчак силат ва универсал жанг спорт турлари бўйича мактабнинг 112 нафар шуғулланувчилари Республика чемпионатларида 35 та олтин 32 та кумуш ва 28 та бронза медалларини қўлга киритган.

Мазкур спорт муассасасида 1 та асосий ва 2 та бириктирилган база мавжуд бўлиб, уларда 25 х 12 ўлчамдаги ёпиқ турда ва 25 х 7,5 ўлчамда очиқ турдаги сузиш ҳавзалари, 36 х 24 ўлчамдаги спорт зал, сунъий қопламали мини футбол майдони, волейбол майдони ва иккита мослаштирилган кичик спорт заллари мавжуд.

Мактабда республикамизнинг байрам саналарига бағишланган турли оммавий спорт ўйинлари, шунингдек, спорт бўйича туман, шаҳар мусобақалари, Республика чемпионатлари ва кубокларини ўтказиш яхши анъанага айланган.

Саҳифа материалларини Зафар НАЗАРОВ тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Куни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди.

Маълумки, мамлакатимизда давлатимиз мустақиллигининг дастлабки кунидан бошлаб ёшларни жисмонан соғлом ва маънан етук қилиб тарбиялаш омили бўлган спорт, маданият, санъат ва маънавиятни ривожлантиришга асосий эътибор қаратилмоқда. Барча ёшларни узлуксиз таълим тизими билан қамраб олиниши уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, келиб чиқиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш кабиларга кўмаклашмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар назарда тутилмоқда. Ўз навбатида ушбу лойиҳанинг мақсади ва асосий принциплари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳужжатлар нормаларига асосланганлиги таъкидланди.

Шунингдек, лойиҳада ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, юқорида санаб ўтилган ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи ҳар бир субъектнинг ваколатлари кўрсатилган.

Бундан ташқари, ёшлар масалалари бўйича ишларда соҳадаги у ёки бу вазифаларни ҳал этишга ваколатли бўлган вазирлик ва идоралар жалб қилинган. Ёшлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақоми, улар фаолиятининг давлат кафолатлари белгиланганлиги қайд этилди.

Қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ёшлар учун қўшимча кафолатлар: бепул умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими олиш, таълим муассасаларида ўқишга имтиёзли кредитлар тақдим этиш, таълим муассасаларини битирганидан кейин ёшларнинг бандлигини таъминлаш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш, ёшларнинг дам олиш ва соғломлаштириш ташкилотлари тизимини ривожлантириш ва бошқа шу кабилар кўрсатилган.

Лойиҳада шунингдек, мукофотлар, стипендиялар белгилаш, таълим грантларини тақдим этиш, фан, маданият ва санъат соҳасида ижодий устахоналар ва мактабларни ташкил этишга кўмаклашиш, спорт секциялари фаолиятини ташкил этиш кабилар орқали амалга ошириш мумкин бўлган истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари тартибга солинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар назарда тутилмоқда. Ўз навбатида ушбу лойиҳанинг мақсади ва асосий принциплари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳужжатлар нормаларига асосланганлиги таъкидланди.

Лойиҳадан ёшларни таълим олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларига оид норма чиқариб ташланмоқда, чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасига мувофиқ ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир. “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланган.

Шунингдек, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқарибгина қолмай, комплекс ташкилий-ҳуқуқий ва институционал чора-тадбирларни қабул қилишга йўналиш ва асос бўладиган Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари ва йўналишларини белгилаб бериши таъкидлаб ўтилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси жойларда ижро этилиши мумкин бўлган моддалар билан бойитилган. Шунингдек, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солишга хизмат қилади.

Йиғилиш сўнгида доимий комиссия ваколати доирасида тегишли қарор қабул қилинди.

Анжуманлар

МАҲАЛЛАНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ЮКСАЛМОҚДА

Бугун мамлакатимизда халқимизнинг бой тарихий тажрибаларининг узвий ифодасига айланган ноёб бошқарув тизими – маҳалланинг нуфузи ҳам тобора ортиб бормоқда.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Мустақиллик йилларида маҳалла: кеча, бугун ва эртага" мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда фонд мутасаддилари, фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

— Истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ҳар томонлама ошириш ва ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жамиятдаги нуфузини ошириш билан бирга, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди тадбирда сўз олган "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Д.Аллаев. — Мустақиллик йилларида мамлакатимизда "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида инсон манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб, мазкур янгиланишлар намунаси ва фаол иштирокчиси сифатида халқимизнинг бой тарихий тажрибаларининг узвий ифодасига айланган ноёб бошқарув тизими – маҳалланинг нуфузи ҳам тобора ортиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари жамиятимиздаги тинчлик ва осойишталик, барқарорлик, аҳиллик, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш ва оилаларни мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш, миллий қадриятларни эъзозлашдек эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Фуқаролар йиғинларининг самарали фаолият юритиши, уларнинг ишини ташкил этиш, барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш бугуннинг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Шу маънода, "Маҳалла" фонди томонидан маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мебель жиҳозлари ва ўқув-адабиётлар билан таъминлаш, йиғин биносини қуриб бериш ва мавжудларини таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни услубий адабиётлар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, "2012-2015 йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш" Дастури доирасида 2012-2015 йиллар давомида 4411 та фуқаролар йиғинига компьютер жамланмалари, 7118 тасига эса мебель жиҳозлари олиб берилди. Шунингдек, 122 та янги маҳалла идоралари қурилди, 674 таси жорий ва капитал таъмирланди, 142 та фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилинди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини услубий адабиётлар билан таъминлаш бўйича ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, 2010-2016 йиллар давомида "Маҳалла" фонди томонидан фуқаролар йиғинларига услубий кўмаклашиш мақсадида 2010-2016 йиллар давомида 70 га яқин қўлланма ва адабиётлар тайёрланиб, фуқаролар йиғинларига етказиб берилди.

Фонднинг асосий вазифаларидан бири – бу аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Ушбу йўналишда фуқаролар йиғинлари билан ўзаро ҳамкорликда бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Бу борада биргина 2010-2015 йиллар давомида Фонд ҳисобидан 163 минг нафар фуқароларга моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида чекка ва бориш қийин бўлган қишлоқ ва туманда яшовчи аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг 8260 нафарига катталар ва болалар кийим-боши тўпламлари берилди.

Фарзандларимизни жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган этиб тарбиялашда "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Жумладан, ушбу ҳамкорлик доирасида таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини янада ошириш, ўқувчиларнинг давоматини тўлақонли таъминлаш бўйича бир қатор тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Маҳаллаларда оммавий спортни янада ривожлантириш, оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ўсиб келаётган ёшларни жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш борасида "Футболимиз келажаги", "Маҳалламиз паҳлавонлари", "Отам, онам ва мен – спортчи оила", шахмат ва шашка спорт тури бўйича "Биз – ақл-идрокли оилаларимиз" каби спорт мусобақалари мунтазам ташкил этиб келинмоқда. Бу ишларда "Маҳалла" фонди ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда фуқаролар йиғинларига асосий кўмакчи бўлиб, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишда кўмаклашилмоқда.

Бугунги кунда маҳалла фаолларининг илғор тажрибаларини кенг оммалаштиришда ҳар йили "Маҳалла" фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар биргаликда ўтказилиб келинаётган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" ва "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўтган 25 йил ичида тизимни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар маҳалла институтини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг иш фаолиятини янада жонлантиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда "Маҳалла" фонди томонидан келгусида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар, белгиланган чора-тадбирлар ҳам муҳокама этилди. Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИ ОШИРИЛДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларда фаолият олиб бораётган фаол аёлларнинг ўрни ва аҳамияти" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, партия вакиллари ва "Аёллар қаноти" кенгаши фаоллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси "Аёллар қаноти" кенгаши раиси З.Ботирова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданияти ва интеллектуал салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида партиянинг "Аёллар қаноти" кенгаши томонидан аёллар ўртасида ҳуқуқий ва тиббий маданиятни юксалтириш, қизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллашига ёрдам бериш, оиладаги маънавий муҳитни янада яхшилаш, бандликни таъминлаш борасида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Давра суҳбатида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий асослари, "Соғлом она – соғлом бола" лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантиришга оид маърузалар тингланди ва амалий машғулотлар ташкил этилди.

Ш.МАМАТУРОПОВА

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИЛАРИ

Таътил бўлгани учун қизим уйда. Ишга кетаётганда онаси иккимиз бир гапни тайинлаймиз – эшикни бегоналарга очма!

Кеча ишдан борсам, қизим хафа бўлиб ўтирибди. Нима гаплигини сўрадим. Онаси жавоб берди.

– Участка ҳамшираси келибди. Эшик қўнғироғини босса, қизингиз "уйда ҳеч ким йўқ", дебди. Ҳамшира қўшнилар ёрдамида уйга кириб, мана бу қоғозни ташлаб кетибди. Яна қизингиз билан ярим соатча гаплашибди.

– Яхши-да! – дедим қизимга далда бўлиб. – Нималар деди ҳамшира?

– "Уй ҳайвонлари борми?", деб сўради. Бўлса ветеринарга тез-тез кўрсатиб туришимизни, ҳайвонлардаги кана, бургаларни қўл билан ушлаш ё ўлдириш мумкин эмаслигини айтди.

– Тўғри айтибди, – дедим қизимнинг бошини силаб. Кейин ҳамширанинг ишини таҳлил қила бошладим. Шу бир парча қоғозни эшикка қистириб кетса бўларди (одатда шундай қилинарди). Уйда катталар бўлмаса ҳам қўшнилар ёрдамида уйга кириб, ўн ёшли қизчага бу касалликнинг тарихи, ундан сақланиш йўллари ҳақида эринмай гапириб бергани бир тарафдан эриш туюлса, бир тарафдан хурсанд қилди. Ишини чин дилдан бажарар экан. Масъулият билан қилинган иш албатта самарасини беради. Баҳонада ўзим ҳам бу касаллик ҳақида кўп маълумотларга эга бўлдим. Хаёлим олис ёшлик йилларига кетди.

...Иккинчи синфда ўқирдим. Синфдошимиз Адҳам касал бўлиб қолганини эшитиб, дарс тугагач, тўғри унинг уйига бордик. Кўрпа-тўшак қилиб олибди. Кўзлари юмуқ, бир нималар деб алаҳсирайди. Онаси докани намлаб пешонасига босар, тинмасдан елпир эди.

– Дўхтир чақирмадингизми? – деб сўрадим. Адҳамнинг онаси менга изтиробли боқди.

– Медпунктга эрталаб одам жўнатгандим, ҳали келишмади...

Ўйласам ўша пайтлар ҳеч эшитмаган ё кўрмаган эканман бирор касалга "тез ёрдам" келганини. Қишлоқ бошида "Медпункт" деган тахтача осилган тор, қоронғу хонада хўппа семиз опа эрталабдан кечгача мудраб ўтирарди. Мактабдан тиббий кўрикка олиб боришса, бир сафга тизиб, қўл устида кўриб, "ҳамманг соғломсан, бораверинглар", дерди. Унинг қишлоқ оралаб бирор касал кўришга келиши эса...

Эрта тонгда поликлиникага бордим. Участка врачимизга учрашиб, кеча бизникига борган ҳамширани сўрадим. Кутиб турishимни, патронаж ҳамшира ҳудуддаги кекса аёлларнинг соғлиғини назоратдан ўтказиш учун кетганини айтди.

Бир оздан кейин эндигина коллежни тамомлаган, устидаги оқ халати ўзига ярашган ҳамшира кириб келди.

– Раҳмат сизга, синглим, – дедим унга. – Сизга таълим-тарбия берган ота-онангизга, устозларингизга раҳмат! Кеча хонадонларни айланиб, баъзи юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишда қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақидаги эслатмангиз учун раҳмат!

– Аҳоли саломатлигини сақлаш – олий саодат. Беморлардан кўп раҳмат эшитамиз. Лекин шогирдларимизнинг қилган иши учун миннатдорлик эшитиш ўзгача бўлар экан, – деди участка врачи.

Бир оғиз раҳмат айтиб чиқаман, деб киргандим анча ушланиб қолдим. Кетган вақтимга ачинмадим. Одатда ўзимиз ё фарзандимиз оғриб қолса ёки тиббий маълумотнома керак бўлсагина эсимизга тушадиган участка врачининг сўзларини тинглаб, дилим яйради. Вақти келса, бирор яқинимиздан телефон орқали хабар олишга имкон тополмаймиз. Уларнинг ҳар куни элликка яқин хонадонга кириб, беморлар, нуронийлар, хотин-қизлар ва ёш болалар ҳолидан хабар олиб чиқишининг ўзи елкасидаги оқ халатга садоқатидан дарак.

Ишга келар эканман, радиодан тараллган хабар эътиборимни тортди. Куни кеча юртимизда тиббий патронаж ойлиги якунланибди, инсон саломатлигини асрашга йўналтирилган кенг қамровли ишлар ҳаётга изчил татбиқ этилибди. Хусусан, жорий йилнинг 1 мартидан 1 апрелигача ўтказилган ойлик доирасида 19 миллиондан зиёд аҳоли қамраб олинган бўлса, 11 июлдан 11 августгача давом этган акция доирасида ўттиз мингдан зиёд умумий амалиёт врачи ва патронаж ҳамширалар, тиббиётнинг ўттиздан кўпроқ йўналиши бўйича мутахассислар аҳолини тиббий текширувдан ўтказган.

Радио овозини кўтараман: "Патронаж ойлигида хонадонларга қатновларни амалга ошириш билан бир қаторда мазкур хонадонларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганиш, аҳолида саломатлигига жиддий путур етказувчи касалликни юзага келтириши мумкин бўлган омиллар, мавжуд муаммолар ечимини топиш ва бартараф қилиш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди".

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган "Соғлом она – соғлом бола" концепцияси замирида она ва бола саломатлигини асраш вазифаси, келажак авлодларнинг камолотини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошланган мазкур йўналишдаги тиббий-ижтимоий ислоҳотлар бугун ўз самараларини бермоқда. Оналар ва болалар ўлими кескин камайди. Аҳолига бирламчи тиббий-профилактика, шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий тизим шакллантирилди. Жойларда ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни тиббий кўрикдан ўтказиш орқали ирсий касалликларни мумкин қадар эрта аниқловчи скрининг марказлари ташкил этилди...

...Маҳаллада қизалоғим ўртоқлари билан ўйнаётган экан. Беғубор болаликнинг мусаффо манзарасини кузатиш нақадар завқли. Қўшнимнинг қизи кучукчасини сайрга олиб чиқди. Дугоналари дарров ўраб олди. Кучукчани бири қолиб, бири қўйиб эркалашга киришиб кетган дугоналарини қизалоғим "тарбия"га чақирди:

– Эҳтиёт бўлинглар! Бурга, канаси бўлса, оқибати ёмон бўлади!

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ, маданият ва спорт ишлари туман бўлимлари, Ўзбек Миллий академик драма театри, Республика ёш томошабинлар театри, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 25 та оила фарзандлари учун Пойтахтимиздаги "EZIDIYOR" тўйхонасида суннат тўйлари ўтказиб берилди.

Саховат

КЎНГИЛЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ



Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларни мустақиллик ғоялари руҳида муносиб тарбиялаш, маънавияти ва дунёқарашини янада шакллантириш, уларга таълим бериш сифатини яхшилаш, ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишишлари учун барча шароитлар яратиб берилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Йигирма беш нафар болажонлар учун ҳокимият ва ҳамкор ташкилотлар томонидан банкларда омонат ҳисоб рақамлари очилиб, жами 15 миллион 800 минг сўм миқдорида моддий ёрдам ўтказилди.

– Юртбошимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт" деган пурмаъно сўзларида, ёш авлодни тарбиялаш борасидаги ишларимизнинг туб моҳияти ўз ифодасини топган, – дейди Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова. – Зеро, уларга яратиб берилаётган имкониятлар негизида фарзандларимизнинг бахтли ва фаровон ҳаёти, порлоқ келажаги мужассам.

– Мамлакатимизда болаларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун чексиз миннатдорчилик билдираман, – дейди "Обназир" маҳалласидан ташриф буюрган Насиба Алимова. – Ўғлимиз Муҳаммадкомилнинг суннат тўйи шунчалар файзли ўтаётганидан қувончимиз чексиз. Бу кун ҳаётимиздаги энг бахтли воқеалардан бири бўлиб хотирамизда қолади. Шунинг учун кўнглимдан ўтаётган туйғуларни сўз билан ифодалаб беришим қийин. Ниҳоятда бахтиёрмиз.

– Бу каби эътибордан қалбим қувончга тўлди, – дейди Қодир Абдуллаев. – Фарзандларимиз учун қилинаётган меҳрибонлик ва катта ҳиммат, яратилаётган бундай беқиёс имкониятлар ҳеч бир мамлакатда мавжуд эмас. Давлатимизга ва барча ҳомийларга минг раҳмат.

Тадбир сўнгида ҳомий ташкилотлар томонидан жажжи болажонларга турли хил совғалар тарқатилди.

Ҳа, юртимизда амалга оширилаётган эзгу мақсадли ишлар замирида, бугунги кун ёшларининг ёркин келажаги, мустаҳкам соғлиги, бахтли ва фаровон ҳаёти акс этади. Инчунун, келажак эртаси бугундан бошланади. Бизнинг эртамиз бўлмиш фарзандларимизнинг бахти ва саодати ҳар нарсадан устундир.

Гулнигор САТТОРОВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари такроран қўйилади:

I. Обеъкт номи: "Madaniy qurilish" шўъба корхонаси (мол-мулклари билан бирга).

Бошланғич нархи – 10 711 585 сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор туманида жойлашган.

II. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 4а-уй манзилида жойлашган бир қаватли бинонинг умумий майдони 379 кв.метрга тенг бўлган фойдаланилмаётган ертўла қисми.

Бошланғич нархи – 1 707 783 049 сўм 33 тийин.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

III. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ифтихор кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган "Савдо тараққиёти" давлат унитар корхонаси (мол-мулклари ва бино-иншоотлари билан бирга).

Бошланғич нархи – 16 917 804 600 сўм.

Балансда сақловчи: "Савдо тараққиёти" ДУК.

Фаолияти ихтисоси: Ишлаб чиқариш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 6 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 22 сентябрь, 7, 24 октябрь, 8 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Спорт янгиликлари

Футбол бўйича ҳар йили август ойида анъанавий тарзда ўтказиладиган "Пахтакор-79" хотирасига бағишланган турнир якунланди.

"ПАХТАКОР" ХОТИРА ТУРНИРИ ҒОЛИБИ

Мусобақанинг сўнгги кунида ҳал қилувчи учрашувлар ўтказилди. 3-ўрин учун баҳсда Олмаликдан ташриф буюрган ёшлар "Пахтакор-2" жамоасини 1:0 ҳисобида доғда қолдиришди. "Пахтакор"нинг иккинчи жамоаси сафида 2002 йилда таваллуд топган тарбияланувчилар майдонга тушишди.

Финалда эса клуб тизимидаги икки жамоа – "Пахтакор" ва "БЎСМ-16" жамоалари баҳс юритишди. Белашувда Станислав Кудряшов бошчилигидаги "Пахтакор" 2:1 ҳисобида зафар қучди. Финал ўйинидан сўнг мусобақа совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Мусобақа якунига кўра ҳар бир чизиқ бўйича аниқланган турнирнинг энг яхши футболчилари билан танишинг: энг яхши дарвозабон — Мақсад Чилматов ("Пахтакор"), энг яхши ҳимоячи — Дониёр Собиров ("Пахтакор-2"),энг яхши ярим ҳимоячи — Нодир Абдухолиқов (БЎСМ-16), энг яхши ҳужумчи — Жамшид Фазлиддинов (Олмалик), энг яхши футболчи — Иброҳим Йўлдошев ("Пахтакор").

Ботир ХЎЖАЕВ

ЯРИМ ФИНАЛГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан жорий йилги Ўзбекистон Кубоги ярим финалида қайси жамоалар биринчи ўйинни ўз майдонларида ўтказишларини аниқлаш учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Унга кўра Ўзбекистон Кубоги финали йўлидаги биринчи учрашувларни "Локомотив" ва "Насаф" жамоалари мезбон сифатида ўз майдонларида ўтказишади. Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг биринчи баҳсида "Насаф" – "Бухоро"-ни ўз майдонида қабул қилади. "Локомотив" жамоаси эса "Металлург" – "Бунёдкор" жамоалари жуфтлиги ғолиби билан ўз майдонида биринчи ўйинни ўтказади.



АЁЛЛАР СПОРТ ФЕСТИВАЛИ

Мамлакатимизда, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида бир қатор ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда. Уларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини ошириш, жамиятда кечаётган ислоҳотлар жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш хусусан, давлат ва жамият қурилишида, ишлаб чиқаришда, маҳаллий ўзини ўзи бошқарувда, социал ҳаётда ва айниқса спорт соҳасида хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш сингари масалалар муҳим аҳамиятга эга.

Тошкент Молия институтининг спорт комлексида, Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси ва бир қанча ташкилотлар ҳамкорлигида "Аёллар спорт фестивали"-нинг шаҳар босқичи юксак савияда ўтказилди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини юксалтириш, соғлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, хусусан аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, маҳаллаларда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мусобақанинг шаҳар босқичида волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, сузиш, гимнастрада спорт турлари бўйича туманларда ғолиб деб топилган, 25 ёшдан юқори бўлган уй бекаларидан иборат бўлган жамоалар ўзаро беллашди ва ўзларининг бор маҳоратини, эпчиллигу чаққонлигини намойиш этди.

– Хотин-қизларнинг оилани шакллантириш ва мустаҳкамлаш, баркамол авлодни соғлом тарбиялаш, давлат, жамият ва маданий қурилишдаги мавқеининг эътироф этилиши билан бирга, уларнинг юртимиз истиқболини янада яхшилаш ва салоҳиятини юксакка кўтаришдаги хизматлари эътирофга сазовордир, – дейди Учтепа тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мактуба Арипова. – Бугун мамлакатимиз хотин-қизлари соғлом ва баркамол фарзандларни тарбиялаб, вояга етказиш билан бирга, ўзлари ҳам спорт соҳасида ўктам қадам ташлаётганликлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Аёллар спорт фестивали ҳам уларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлашда, турли касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Аёллар спорт фестивалида, умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Миробод, иккинчи ўринга Яшнобод, учинчи ўринга эса Сергели туманининг терма жамоа аъзолари муносиб деб топилди.

"Энг латофатли жамоа", "Ғалабага бўлган ишончи учун", "Энг маҳоратли жамоа", "Энг интилувчан жамоа", "Энг шиддатли жамоа" номинациялари ғолибларига, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар бўлимлари ва бошқа ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: "Аёллар спорт фестивали" мусобақасининг шаҳар босқичидан лавҳа

Ислом Исмоилов олган сурат

Ўтган йили ташкил этилган Марказий Осиё Футбол Ассоциацияси (МОФА)нинг ташаббуси билан минтақага аъзо беш мамлакат – Ўзбекистон, Қирғизистон, Афғонистон, Тожикистон, Туркманистон ёшлар терма жамоалари ўртасида уюштирилган Марказий Осиё футбол ассоциацияси кубоги ёшлар терма жамоамизга муваффақият келтирди.

ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИ

Халқаро турнирнинг "А" гуруҳида Ўзбекистон-2, Афғонистон, Қирғизистон ёшлар терма жамоалари ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришган бўлса, "В" гуруҳидан Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистон-1 ёшлар терма жамоалари ўрин эгаллашди. Дарвоқе, халқаро турнирга таклиф этилган Эрон ёшлар терма жамоаси айрим сабабларга кўра мусобақада қатнашмади.

Ҳар икки гуруҳдаги баҳслар айтиш жоизки, ёшлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтагани аниқ. "Жар" стадионида уюштирилган баҳсларнинг "А" гуруҳида 1 та ғалаба, битта дуранг натижа қайд этган Қирғизистон ёшлар терма жамоаси 1-ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни банд этган Ўзбекистон-2 ёшлар терма жамоаси ҳам гуруҳ баҳсларида битта ғалаба битта дуранг натижа қайд этди. Аммо, қирғизистонликлар биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Гуруҳдаги сўнгги ўринни афғонистонликлар эгаллашди.

Шунингдек, "В" гуруҳида барча учрашувларда зафар қучган Жасур Абдураимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон-1 ёшлар терма жамоасига 1-ўрин насиб этган бўлса, битта ғалаба ва битта мағлубиятга учраган туркманистонликлар иккинчи ўрин билан кифояланишди. Тожикистонлик ёшларга "В" гуруҳида учинчи ўрин насиб этди.

Халқаро турнирнинг бешинчи ўрини учун ўзаро курашган Ўзбекистон-2 Тожикистон ёшлар терма жамоалари ўртасидаги беллашувнинг асосий вақтида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Пенальтилар сериясида эса омад тожикистонликларга кулиб боқди. Ўйин 7:6 ҳисобида меҳмонларнинг ғалабаси билан тугади.

Туркманистон ва Афғонистон ёшлар терма жамоалари учинчи ўрин учун кураш олиб боришди. Тенгма-тенг курашлар остидаги учрашув туркманистонликларнинг 2:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

Ниҳоят бош соврин учун майдонга Ўзбекистон-1 ҳамда Қирғизистон ёшлар терма жамоалари тушишди. Қизиқарли кечган беллашувнинг 28-дақиқасида Ислом Қобилов томонидан рақиб дарвозасига киритилган гол Ўзбекистон ёшларига 1:0 ҳисобидаги ғалабани туҳфа этди. Шундай қилиб Жасур Абдураимов шогирдлари илк марта ўтказилган Марказий Осиё футбол ассоциацияси кубогининг ғолиблигини қўлга киритишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"101"

ТАБИАТНИ АСРАШГА ҲАР БИР ФУҚАРО МАСЪУЛ

Аҳоли яшаш уйлари, кўча майдонлари, масканлар атрофларидаги қуриган ўтларни тозалаш, йиғилиб қолганларини махсус ажратилган жойларга олиб чиқиб кетилиши лозимлигига эътибор қилмасдан осонгина ёқиб юборилишига йўл қўйилади. Оқибатда эса арзимас бўлиб кўринган гулханлар, ўчирилмаган сигарета қолдиқлари, болалар шўхлиги оқибатида инсонлар тан жароҳати олиши, моддий зарар келтирувчи, катта талафотларга олиб келувчи ёнғин келиб чиқади.

Ёнғинларда нафақат моддий, балки атроф-муҳит об-ҳавосига зарарли таъсирлари, турли заҳарли газлар чиқиши, ёнган ўтлар ўрнини қора тусга кирган дилни хира тортишига сабаб бўлувчи ёқимсиз манзарага айланишига сабаб бўлади.

Кундалик ҳаётимизда учраб турадиган бу каби кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмаслиги учун ҳар бир фуқаро ўз яшаш уйи атрофи, масканларда раҳбарият томонидан жиддий эътибор қаратилиб шаҳримиз гўзаллигига, ободонлаштирилишига ўз ҳиссасаларини қўшишлари фуқаролик бурчларига киради.

Ф.АБДУЛЛАЕВ,
Миробод ТИИБ ЁХБ инспектори, сержант

* * *

Одатда ёнғин очиқ оловдан фойдаланишдаги эҳтиётсизлик, қоидаларга риоя қилмаслик оқибатида келиб чиқади. Шунингдек, аксарият ҳолларда ёнғинларни содир бўлишига болаларнинг назоратсиз қолиши ҳам сабабдир. Энг ачинарлиси ёнғинларда биринчи навбатда болалар жабр кўради.

Аслида болаларнинг қизиқувчанлиги устун келиб, катталар томонидан тақиқланган ишларни ўзлари бажариб, синаб кўргилари келади. Гугурт билан ўйнаш улар учун завқли бўлиб туюладию, лекин шу қизиқ ўйинлари оқибати ҳақида ўйлаб кўришмайди.

Шунинг учун зурриёдларимиз болалигиданоқ олов билан ўйнаш хавфли эканлиги, бу ўйинларни оқибати аянчли бўлиши ҳақида доимо тушунча бериб ўтилса, нохуш ҳодисаларнинг олди олинарди.

Азиз ота-оналар суюкли фарзандларимизга эътиборли бўлинг ва қуйида кўрсатилган ёнғин хавфсизлиги қоидаларига доимо риоя қилинг:

– ёш болаларни уйда қаровсиз қолдирманг ва уларга олов билан боғлиқ уй юмушларини буюрманг;

– ёш болалар олдида сигарета чекманг;

– ёш болаларга ёнғин хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш юзасидан доимо тушунчалар бериб боринг ва ёнғин вақтида ҳаракатланиш тартиби бўйича биргаликда машғулотлар ўтказинг;

– болалар ёнғин хавфсизлиги хизматига мурожаат этиш, воқеа содир бўлган жойнинг аниқ манзили, ўз исм-шарифини айтиш кўникмасига эга бўлишлари лозим;

– мабодо хонада газ ҳидини сезса чироқ ва учқун чиқарувчи мосламалардан зинҳор фойдаланилмасин, дарҳол катталарга хабар берсин.

Ушбу қоидаларга риоя этиш билан ўзингиз ва фарзандларингизни ҳамда уй-жойингизни ёнғиндан ва унинг аянчли оқибатларидан асраб қолган бўласиз.

Ҳусан МАМАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар 20-ҲЁҲҚ инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали
Нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 20 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2016 йил 30 июндаги ҳукуми асосида берилган №31104/11-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 2012 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 50P595FA, оқ рангли, "ISUZU NQR 71PL" русумли автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси 92 000 000 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "Жар ариқли" номли автотураргоҳ.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 19 сентябрь куни соат 18.00да тўхтатилади.

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz **Телефонлар: 0371 276-42-62; +99890725-88-80.**

ГУВОҲНОМА № 4621

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **18 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **18 августда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ